



КУРАШ ҲАҚАМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ёукҳананов Бараҳай

*Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти
мустақил тадқиқотчиси Исроил (Тел-Авив).*

Таянч сўзлар: кураш ҳақамлари, тайёргарлик турлари, мусобақа шароити, асосий омиллар, холисона баҳолаш, қатъиятлилиқ, назарий тайёргарлик.

Ключевые слова: кураш арбитр, подготовительный вид, условия соревнований, основные факторы, объективный судья, решительный, теорический подготовка.

Key words: kurash referee, preparatory type, competition conditions, main factors, objective referee, decisive, theoretical preparation.

Долзарблиги. Республикамизда барча соҳаларда бўлгани каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кураш спорт турини ривожлантириш, уни халқаро нуфузини янада юксалтириш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қадимий қадриятларимиз, хусусан мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган миллий спортимиз бўлган курашни омалаштириш, ривожлантириш ва дунёга танитиш ҳамда ушбу қадриятимизни умумжаҳон дурдонасига айланттириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, курашнинг тобора омалашиб бораётганлиги нуфузли халқаро мусобақаларни ташкил қилишга, мавжуд инфратузилма ва моддий-техник базани модернизация қилишга, спорт инвентарлари ва кийимлари таъминотини яхшилашга, бу борада ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунингдек, соҳа учун малакали кадрлар, тренерлар ва ҳақамлар тайёрлашга бўлган эътиборни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Буюк аждодларимиздан мерос қолган кураш спортининг бой анъаналари ва қадриятларини келажак авлодларга етказиш, ўзбек спорти бренди номи билан курашнинг жаҳон аренасидаги ролини ошириш, ёшларнинг миллий спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш



орқали уларда ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг мазкур спорт тури билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг барча қатламларини кураш билан шуғулланишга кенг жалб қилиш ҳамда Ўзбекистонда курашни умумхалқ спорт турига айлантириш, курашни оммалаштириш, унинг жаҳон спорти дурдонасига айланишига ва Халқаро олимпия ўйинлари дастурига киритилишига эришиш, кураш билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани шакллантириш, кураш бўйича профессионал мураббийлар, ҳакамлар тайёрлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, курашнинг илмий-методологик базасини кучайтириш каби устувор вазифаларни белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 4-ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли қарори ушбу соҳани ривожлантиришга том маънода дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда [1,2,4].

Шу пайтгача кураш спортида ҳам кўплаб илмий тадқиқот ишлар олиб борилган бўлиб, йиллик тайёргарлик циклининг турли босқичларида ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлигини доимий назорат қилиш ва муаммоли жиҳатларни тезкор бартарф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган. Мамлакатимизда кураш ҳакамларини тайёрлаш, ҳакамлик сифатини яхшилашга оид қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳани янада такомиллаштириш бўйича, жумладан ҳакамларнинг гиламдаги ҳаракат самарадорлигини таъминлаш мақсадида ички биринчилик учрашувларида инновацион технологияларни қўллаш, уларнинг диққатлилигини ошириш, мусобақа жараёнларини моделлаштириш каби тадқиқот олиб боориш зарур бўлган мавзулар бор. Ушбу зарурият асосида ҳакамларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини юқори савияда таъминлаган ҳолда амалга оширилиши муҳим омил саналади. Дунё миқёсида тадқиқотчи олимлар томонидан кураш ҳакамларини тайёрлашда жисмоний тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, уларнинг психофизик тайёрлаш, тактик тафаккурини ривожлантириш, функционал кўрсаткичларини ошириш бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилмоқда. Кураш ривожланган мамлакатларда шиддатли ўинларга мослашиш учун ҳакамларнинг замонавий курашни бошқариш имкониятлари илм фан ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ. Тайёргарлик даври босқичларида чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, машғулот воситалари ва усулларини доимий



такомиллаштириш зарур бўлиб, мазкур муаммо бўйича дунёда турли тажрибалар олиб боришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ҳозирда кураш бўйича ҳакамларни тайёрлаш сифатини ошириш зарурати мавжуд бу эса ушбу танланган мавзунинг долзарблигини англатади [3,4,5,9,11,16].

Тадқиқотнинг мақсади: Кураш бўйича ҳакамларнинг мусобақада бажарадиган фаолиятларини таҳлил қилиш асосида улар тайёргарлигини ташкил қилишнинг назарий асосларини ёритиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1) ҳакамларни тайёрлаш ва турли тайёргарликларини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар методологиясини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш.

2) кураш ҳакамлари тайёргарлигини баҳолаш мезонларини ўрганиш, улар фаолиятларини натижадорлигини белгиловчи асосий омилларини аниқлаш.

3) кураш ҳакамларини тайёргарлик даражаси курашчиларнинг мусобақа фаолиятига таъсир қилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси. Юқори малакали ҳакамлик спортчиларнинг маҳоратини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Курашчиларнинг самарадорлигини ошириш фақат оддий спорт мусобақалари шароитида мумкин бўлади, қачонки ҳакамлик сифати кураш мусобақаси қонунларига зид бўлмаганда. Ҳакамлар бир томондан, мураббийлар томонидан мусобақаларга тайёргарлик даврида бошланган ишни давом эттириш, курашчиларнинг спорт маҳорати чўққиларини забт этиш борасидаги ишларни хал қилиш вазифасини бажаради ва бир вақтнинг ўзида мураббийлар ва спортчиларнинг маҳорат ва билимларини малакали баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда [7,9,10,12,15].

Ҳакамлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммосининг долзарблиги шундаки юқори малакали ҳакамларни танлаш ва тайёрлаш воситалари ҳамда усулларини илмий асослаб бериш зарурлиги эркин ва юнон-рум кураши бўйича етакчи мутахассислар томонидан бир илмий тадқиқот ишлари олиб борилган [3,10,11,12].

В.И.Борисовнинг фикрига кўра, ҳакамларни нафақат ҳакамлик усуллари, балки бошқа муҳим фанлар - педагогика, психология ва бошқалар, шунингдек, жисмоний тайёргарлик бўйича ҳам ҳар томонлама тайёрлаш ғояси ўз ифодасини топган. Ҳакамларнинг назарий, жисмоний ва психологик тайёргарлигини ҳар томонлама назорат қилиш масалалари бироз ёритилган бўлса-да, бизга маълум бўлган ишларда назорат қилинадиган параметрлар ва ҳакамлик сифати ўртасидаги боғлиқликнинг фундаментал



тадқиқотлари топилмади. Натижада қайд этилган назорат стандартлари мажмуалари ягона услубий тузилишга эга эмас, курашнинг алоҳида турлари бўйича талаблар даражалари сезиларли даражада фарқланади, тестларнинг ўзи эса кўпинча асоссиз равишда янгилари билан алмаштирилади ва замонавий талабларга етарли даражада жавоб бера олмайди [5,6,8,13].

Мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш учун Г.С.Туманян томонидан махсус белгилар ёрдамида стенограмманинг (нотация ёзуви) турли усуллари қўлланилади. Хужум ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш учун берилган зарбалар умумий сонининг нишонга етган зарбалар нисбати олинади. Бизнинг фикримизча, мусобақа фаолиятини ҳакамлик нуқтаи назаридан баҳолаш тузилмаси учун бу нуқта асосий ҳисобланади, чунки айнан ҳакамлар зарбалар сонини қайд қилади ва баҳолайди [7,8,9,16].

Мусобақа фаолиятида ҳакамлар иштирокчилар билан бир қаторда зарур компонент ҳисобланади. Мусобақа фаолиятининг ҳакам шахсига кўядиган талаблари жуда хилма-хил бўлиб, асосан спорт характерли экстремал вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятига боғлиқ (Э.Н.Гогунов, Б.И.Мартянов, 2000). Мусобақа пайтида ҳакамнинг ҳаракатларининг ўзгарувчанлиги фаолият шартлари (мусобақа қоидалари, принциплари, нормалари, кадриятлари ва муайян спорт туридаги спорт фаолиятининг бошқа хусусиятлари) билан чекланган. Шунини таъкидлаш керакки, ҳакамнинг имкониятлари чегараси маълум даражада унинг индивидуал фаолият услубининг субъектив хусусиятларига, малакасига, жинси ва ёшига, ижтимоий-психологик ва индивидуал психологик хусусиятларига боғлиқ. Бундай чеклашлар нисбий хусусиятга ва ижтимоий таълимга эга. Акс ҳолда, нафақат мусобақа шароитларини, балки спорт фаолиятининг жисмоний, техник, тактик ва психологик жиҳатларини ҳам яхшилаш жараёнларини амалга ошириш мумкин бўлмайди [10,14,15].

Спорт характерли экстремал вазиятларни енгишнинг асосий ички жиҳатлари куйидагилардан иборат:

- 1) фаолият субъектининг ташқи вазиятдан хабардорлиги;
- 2) рақобатли вазиятларнинг асосий алгоритмларига мувофиқ ҳаракатларнинг ўзгарувчанлиги.

Спорт ҳакамининг шахс сифатидаги хусусиятларини икки синфга бўлиш мумкин: субъектлар гуруҳига хос бўлганлар ва фақат маълум бир мавзуга хос бўлганлар. Биринчиси шахсиятдаги типик, иккинчиси индивидуал билан боғлиқ. Типик фарқлар турли нейродинамик, темпераментал, характерологик даражаларда намоён бўлади (Б.Г.Ананев. 1977). Иродавий фазилатларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ типологик ком-

плекслар мавжуд - жасорат, қатъият, сабр-тоқат, у ёки бу фаолият услубини танлаш билан ва бошқалар [3,6,8,9,13,14].

Ҳар қандай фаолиятни муваффақиятли бажариш учун сизда қобилият бўлиши керак. Қобилият - бу шахснинг мавжуд мойиллиги туфайли маълум бир сифат ифодасида функциянинг ёрқин намоён бўлиши (Е.П.Илйин, 1987). Б.М.Теплов (1961) учта фикрни таъкидлайди: биринчидан, қобилиятлар деганда бир шахсни бошқасидан ажратиб турадиган индивидуал хусусиятлар тушунилади, иккинчидан, қобилиятлар барча индивидуал хусусиятларни англатмайди, балки фақат фаолиятнинг муваффақияти билан боғлиқ бўлган хусусиятлар, шунинг учун характер хусусиятлари (қизғин феъл-атвор, меҳрибонлик ва бошқалар) қобилиятларга таснифланмайди, учинчидан, қобилият билим ва малака, яъни тажрибадан мустасно [7,8,10,12].

Спорт ҳакамлари принсипиаллик, адолатлилик, ташкилотчилик ва юқори интизом билан ажралиб туради. Рефере расмиятчилик, қоидабузарликларни оддий қайд этиш ҳуқуқига эга эмаслар ва шу билан бирга, ҳакамликда ортиқча импровизацияга йўл қўйиб бўлмайди. Энг аввало, улар спортчиларнинг ҳаракатларида курашнинг етакчиси ва тарбиячиси бўлишлари, уларнинг ҳаракатларининг мотивациясига аниқ эътибор беришлари керак. Спорт ҳакамлари ўзларининг ижобий мисоллари билан икки би-бирига қарама-қарши томонларни ва томошабинларни тарбиялашга ҳисса қўшадилар. Таъкидланганидек ҳакамлар ўз ҳаракатлари орқали спортчиларнинг ҳаракатлари ва техник ҳаракатларини аниқ, маҳоратли ва холисона баҳолашга чақириладиган тариялувчилардир [5,8,13,16].

Шундай қилиб, ҳакамлик, биринчи навбатда, спортчиларнинг маҳоратини оширишга қаратилган таълим жараёнининг давомидир. Кураш ҳакамларининг касбий ҳаракатлари, машаққатли тарбиявий ишлари мусобақани бошқаришдаги маҳорати ва мослашувчанлиги кўнгилочарлик, гўзаллик, яккакураш спорт турларини оммалаштириш ва ёшларни спортга жалб этишга хизмат қилмоқда.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотда кураш ҳакамларини тайёргарликларини ташкил этиш ва бошқаришга асосий эътибор қаратилди. Шу мақсадда кураш ҳакамларини тайёрлашда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатларини аниқлашга қаратилган, малакали ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган кураш ҳакамлари орасида анкета сўровномаси ташкил этилди. Сўровномани олиб боришда ёрдамчи ва бош ҳамда назоратчи ҳакамлар орасида сўровнома ўтказилди. Анкета сўрови мутахассисларнинг ўқув машғулот жараёнида ҳамда ҳакамлар тайёргарликларини ташкил



этишдаги воситалари, уларнинг умумий ва махсус тайёргарлигини такомиллаштириш усуллари, кураш ҳакамларининг мусобақа фаолиятидаги майдон диапазонидаги аҳамиятига оид фикрларни умумлаштиришга қаратилган эди. Тадқиқот давомида 50 нафар ҳакамлар ўртасида анкета сўрови ўтказилди. Улардан 5 нафари “назоратчи ҳакам”, 20 нафари “бош ҳакам” ва 25 нафари “ёрдамчи ҳакам” тоифадагиларда олиб борилди.

Кураш ҳакамларини тайёрлашда эътибор қаратиш зарур бўлган томонларини ўрганишга оид анкета сўровномаси

№	Саволлар	
1	Кураш ҳакамларининг тайёргарлик томонларини такомиллаштиришга қаратилган илмий манбаалар билан танишмисиз?	
	Ҳа	22% (11та)
	Йўқ	78% (39та)
2	Кураш ҳакамлари учун машғулот жараёнини ташкил этишнинг замонавий восита ва усуллари қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганми?	
	Ҳа	24% (12 та)
	Йўқ	76% (38 та)
3	Тайёргарлик даврида ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда қайси жисмоний сифатларга устувор аҳамият бериш лозим?	
	куч	24% (12 та)
	чидамкорлик	46% (23 та)
	тезлик	22% (11та)
	чаққонлик	6% (3 та)
	эгиловчанлик	2% (1 та)
4	Кураш спорт турида ҳакамларининг тайёргарлик жараёнида машғулотларини қай қўринишда ташкил этиш самаралироқ?	
	Жамоавий	52% (26 та)
	индивидуал	48% (24та)
5	Моделлаштириш асосида кураш ҳакамларининг тайёргарлигини ошириш самара беради деб ўйлайсизми?	
	Ҳа	36% (18 та)
	Йўқ	64% (32 та)
6	Маҳоратни шакиллантиришга йўналтирилган воситалар тайёргарлик даврининг қайси босқичида қўллаш мақсадга мувофиқ?	
	Умум тайёрлов	40% (20 та)
	Махсус тайёрлов	34% (17та)
	Мусобақа олди	26% (13та)

7	Амалдаги усуллардан қайси бири маҳоратни шакиллантиришда аниқ баҳолаш имконини беради?	
	Ўйин	8% (4 та)
	Мусобақа	70% (35 та)
	Интервал	22% (11та)
8	Ҳакамлар билан машғулот олиб боришда мусобақа вазиятларини моделлаштириш усулини қўллаш ҳолатини қандай баҳолайсиз?	
	Деярли фойдаланилмайди	78% (39 та)
	Қисман фойдаланилади.	22% (11 та)
9	Кураш ҳакамларининг маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган воситаларни қўллаш ўқув машғулот жараёнининг неча фоизини ташкил этиш етарли деб ўйлайсиз?	
	5%	22% (11 та)
	10%	54% (27та)
	15%	12% (6 та)
	20%	10% (6та)
10	Ҳакамларнинг организм хусусиятлар асосида юкламаларни таъсир этиш даражасига кўра тадбиқ қилишни қандай баҳолайсиз?	
	Зарур омил	66% (33 та)
	Қисман керак	22% (11 та)
	Умуман зарурат йўқ	12% (9 та)

Анкета сўровномасида қатнашган респондентларнинг фикрлари турлича бўлсада, кураш ҳакамларини тайёргарликларини ташкил этишда эътибор қаратилиши муҳим бўлган жиҳатларини аниқлашга ёрдам берувчи қуйидаги маълумотларни олишга имкон берди:

- кураш ҳакамлари учун машғулот жараёнини ташкил этишнинг замонавий восита ва усулларини қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган;

- кураш ҳакамларини тайёрлашда машғулотларини жамоавий шаклда ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

- кураш ҳакамларини тайёрлашда моделлаштириш юқори самара беради.

Анкета сўровномасидан олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, “Ҳакамлар билан машғулот олиб боришда мусобақа вазиятларини моделлаштириш усулини қўллаш ҳолатини қандай баҳолайсиз?” дея берилган саволимизга респондентларнинг 78%и “Деярли фойдаланилмайди” деб жавоб беришган. “Кураш ҳакамларининг тайёргарлик томонларини



такомиллаштиришга қаратилган илмий манбаалар билан танишмисиз?” деб берган саволимизга респондентларнинг 78%и “Йўқ” дея жавоб беришган. “Кураш ҳакамлари учун машғулот жараёнини ташкил этишнинг замонавий восита ва усуллари қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганми?” дея берилган саволга қатнашувчиларнинг 76%и “Йўқ” деб жавоб беришган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кураш ҳакамларини тайёрлашнинг замонавий усуллари яратиш, улар учун қўлланмалар ишлаб чиқиш ва машғулотларни ўтказиш ҳамда ташкил қилишнинг амалий дастурларини илмий асосланган ҳолда жорий этиш керак.

Хулоса. Ўрганилган адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича, кураш ҳакамларини тайёрлаш сифатини ошириш, юқори малакали ҳакамларни танлаш ва тайёрлаш воситаларини жорий қилиш, машғулот усуллари илмий асослаб бериш, мусобақа фаолиятини моделлаштириш асосида ҳакамлар малакасини шукклантириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш зарурати мавжуд.

Ўтказилган анкета сўровномасидан кўриниб турибдики, кураш ҳакамларининг ҳаракат фаолияти самарадорлигини юқори бўлиши уларнинг умумий ва махсус тайёргарлигини ташкил этишнинг назарий асосларини илмий асосланган маълумотлар билан таъминлаш зарур. Кураш ҳакамларини назарий тайёргарликларини ошириш уларнинг мусобақаларда бажарадиган ҳаракатлари самарадорлигини юқори бўлишига сабаб бўлади. Кураш ҳакамларини тайёрлашда қўлланиладиган восита ва усулларни замонавий илм-фан ютуқларига асосланган ҳолда, илмий-назарий асосланган ва самарадорлиги аниқланган машғулотларни ташкил этиш керак.

Адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 martdagi “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5368-sonli Farmoni.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 4-ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли Қарори.
3. Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств: Автореф. дис. д-ра. пед. наук. –Т., 2004. -51с.
4. Алиев И.Б. - Курашда кўп йиллик тайёргарлик босқичларида машғулот юкламаларини оптималлаштиришнинг илмий-назарий асослари. Monografiya. “O‘zkitobsavdonashriyoti”. 2020. – 128 b.
5. Arslonov Sh.A.Tangriev A.J. – Kurash turlarining musobaqa qoidalari. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. Toshkent “Istiqloq” 2017. – 111 b.
6. Борисов В. И. Организация судейства и проведение соревнований // Спортивная борьба: Учебник для ин-тов физ. культуры / Под ред. Купцова А. П. М., 1978. - С. 405-410.
7. Борисов В.И.,Новиков А. А. Психолого- педагогические аспекты судейства // Спортивная борьба: Ежегодник. М., 1980.- С. .: 58.



8. Губа В.П. Теория и методика современных спортивных исследований: монография / В.П.Губа, В.В.Маринич-Масква «Спорт», 2016. 232 с.
9. Гулевич Д.И., Степанов О.С. Организация и судейство соревнований по борьбе дзюдо: Спортивному арбитру. М.: Физкультура и спорт, 1983. - 77 с.
10. Замятин Ю.П. Б.И. Оценка работы судей по спортивной борьбе // В еж: Спортивная борьба: М., 1983. -С. 76- 78.
11. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти: Т. ЎзДЖТИ, 2005. 245 б.
12. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. ЎзДЖТИ, 2004. 264 б.
13. Керимов Ф.А., Рузиев А.А., Рахимов М.М. Контроль соревновательной деятельности борцов //Актуальные проблемы теории и практики физической культуры: Материалы международной научно-практической конференции, посвященной 10-летию независимости Республики Казахстан. –Алматы, 2001. –С.353 –354.
14. Tastanov N.A. – Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. Darslik “Sano-standart” Toshkent. 2017. 480 b.
15. Кутлимуратов И.Х. Чидамкорликни устувор ривожлантириш асосида футбол ҳакамларининг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш. монография. Чирчик, 2023.- 138 с.
16. Кутлимуратов И.Х футбол бўйича бош ҳакамларнинг тезкор чидамкорлигини ошириш усуллари самарадорлиги // Републиканиски журнал.-2021.-№4 .- С. 39-42.

РЕЗЮМЕ

Мақолада кураш ҳакамларини тайёрлаш, уларни турли тайёргарликларини ташкил этишда аҳамият қаратилиши зарур бўлган жиҳатлари тадқиқ қилинган. Кураш ҳакамларини тайёрлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлил қилиниб, улардан олинган маълумотлар ва ўтказилган анкета сўровномаси бўйича кураш ҳакамларини тайёрлашнинг илмий-назарий асослари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются аспекты, на которые следует обратить внимание при подготовке судей по борьбе и организации их различных тренировок. Проанализированы научные исследования, проведенные по подготовке судей по борьбе, изучены полученные от них данные и научно-теоретические основы подготовки судей по борьбе согласно проведенному опроснику.

SUMMARY

The article examines aspects that should be taken into account when preparing wrestling referees and organizing their various training sessions. The scientific research conducted on the training of wrestling referees is analyzed, the data obtained from them and the scientific and theoretical foundations of training wrestling referees according to the questionnaire are studied.